

# «КЭШБЭК» СОДИҚЛИК ДАСТУРИ ҚОИДАЛАРЫ

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. «Кэшбэк» Содиқлик дастури (кейинги ўринларда — Дастан, Содиқлик дастури) «A-Ray» электрон пул тизимидан фойдаланувчи Мижозларни рафбатлантириш ва муюфотлаш мақсадида ташкил этилган ва тизим фойдаланувчилари фаоллигини оширишга қаратилган.
- 1.2. «Кэшбэк» Содиқлик дастурининг ушбу Қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар деб юритилади) электрон пуллардан фойдаланган ҳолда тўловлар, пул ўтказмалар ва бошқа операцияларни амалга ошириш мақсадида «A-Ray» электрон пул тизимидан (кейинги ўринларда Тизим деб юритилади) фойдаланувчи Мижозлар-жисмоний шахсларнинг унда иштирок этишининг умумий шартлари ва тартибини белгилайди.
- 1.3. Мижозларнинг «Кэшбэк» Содиқлик дастурига кириши «A-Ray» Электрон пул тизими Оператори (кейинги ўринларда — Оператор, Тизим Оператори) «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» АЖНИНГ (юридик манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 79 / СТИР 306 344 019 / ИФУТ 58290) расмий оммавий таклифи ҳисобланмиш ушбу Қоидалар кўринишида тақдим этилган Оммавий офертани қабул қилиш йўли билан амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларига мувофиқ «Кэшбэк» Содиқлик дастурида иштирок этиш тўғрисида Шартнома тузилади.
- 1.4. Оператор ушбу Қоидаларнинг жорий версиясини Интернетдаги расмий веб-сайтида: <https://www.a-ray.uz> ва (ёки) мобил иловада жойлаштиради ва Мижознинг Тизим Оператори ва/ёки мобил илова орқали ушбу Дастанга қўшилиш имкониятини ташкил қиласди.
- 1.5. «Кэшбэк» Содиқлик дастури Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Қоидалар шартлари асосида амалга оширилади. Дастанда иштирок этиш ихтиёрий ва бепул.
- 1.6. Дастан муддатсиз бўлиб, Оператор томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ исталган вақтда тугатилиши мумкин. Ушбу Содиқлик дастурини амалга ошириш шартлари Тизим Оператори томонидан белгиланади.
- 1.7. Акцепт амалга оширилганидан сўнг, Оператор ва Мижоз Шартнома тузилган куни амал қилган Қоидалар нашри асосида «Кэшбэк» Содиқлик Дастанда иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган деб ҳисобланади. Мижоз ушбу Шартнома шартларига тўлиқ розилигини билдиради, уларни қабул қиласди ва Дастан Иштирокчисига айланади. Ушбу Шартнома Мижоз акцептни амалга оширган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади ва ёзма равишда тузилган ҳужжатга тенглаштирилади.
- 1.8. Таклифни қабул қилиш Мижоз томонидан қўйидаги конклюдент ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширилади: 1. «A-Ray» электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиш; 2. Кэшбэк тўланиши назарда тутилган ҳар қандай харажатлар операциясини ўтказиш. Кэшбэк ҳажми ва Кэшбеклар сонига чекловлар ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида белгиланган.
- 1.9. Дастан лотерея эмас ва оммавий танлов ҳисобланмайди.
- 1.10. Ушбу Қоидалар Оператор томонидан ҳеч қандай махсус огоҳлантиришсиз бир томонлама равишда ўзгартирилиши ва/ёки тўлдирилиши мумкин. Қоидалар очиқ ҳужжатdir. Янги шартлар эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради, агар уларни жойлаштиришда бошқа қоидалар кўрсатилмаган бўлса. Қоидаларнинг жорий нашри расмий веб-сайтда ва Оператор томонидан белгиланган бошқа жойларда мавжуд, Иштирокчи унинг мазмуни билан танишишига имкон берилган. Оператор Иштирокчиларга ушбу Қоидалар шартларини ва киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар борлигини мунтазам равишда текшириб туришни тавсия қиласди. Ушбу Қоидаларга ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритилгандан сўнг Содиқлик дастурида иштирок этишини давом эттириш аъзонинг бундай ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчаларни қабул қилиниши ва уларга розилик билдиришини англатади.
- 1.11. Дастанда иштирок этишини бошлашдан олдин Мижоз ушбу Қоидалар, шунингдек Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган барча амалдаги Қоидалар ва бошқа ҳужжатлар билан танишиши шарт. Дастанда иштирок этиш ва Қоидалар шартларига мувофиқ конклюдент ҳаракатларни амалга ошириш, Мижознинг ушбу Қоидаларнинг шартлари ва Қоидаларини Содиқлик дастурига қўшилиш шартларида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш ва уларга риоя қилишни англатади.

## 2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 2.1. «Кэшбэк» Содиқлик дастури — Оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириладиган, «A-Pay» электрон пул тизимида Мижозларнинг фаоллигини шакллантириш ва оширишга йўналтирилган, Қоидаларда белгиланган асослар бўйича Иштирокчиларга Кэшбэкни ҳисоблашни назарда тутувчи Содиқлик дастури.
- 2.2. Қоидалар — <https://www.a-pay.uz> манзилидаги интернет тармоғида ва (ёки) Кэшбэкни ҳисоблаш тартибини белгилайдиган мобил иловада жойлаштирилган оммавий оферта саналмиш мазкур ҳужжат.
- 2.3. Кэшбэк — Оператор томонидан таклиф этиладиган, Мижоз томонидан сарфланган электрон пулни қисман қайтаришда ифодаланган, «A-Pay» Электрон пул тизими Оператори томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда харажатлар операциясининг фоизи шаклида ҳисоблаб чиқиладиган ва мижозларнинг Кэшбэк ҳисобига жўнатиладиган маҳсус шарт.
- 2.4. Дастур Иштирокчиси (Иштирокчи) – «A-Pay» электрон пул тизимида рўйхатдан ўтган, белгиланган тартибда электрон ҳамёнга кириш ҳуқуқига эга бўлган ва Қоидаларда кўрсатилган шартлар асосида Дастурда қатнашадиган тизим Мижози бўлган жисмоний шахс.
- 2.5. Кэшбэк ҳисоби – Оператор томонидан Кэшбэкни ҳисобга олиш учун Дастур Иштирокчисига очиладиган электрон ҳамён.
- 2.6. Харажатлар операцияси – «A-Pay» электрон пул тизимида электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операция, бунинг учун Қоидалар асосида Кэшбэк ҳисоблашни назарда тутилган, мустасно ҳолатлар:
- Оператор томонидан шубҳали деб топилган операциялар (яъни Иштирокчига берилган ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатлар);
  - Операторга фикрига кўра ғайриоддий операциялар белгиларини ўз ичига олган операциялар;
- 2.7. Содиқлик дастурини суиистеъмол қилиш — Дастур Қоидаларига зид бўлган, шахсий истеъмол мақсадида товарлар, хизматларни ҳақиқий сотиб олмасдан Кэшбэк олиш, ёки ноқонуний равишда олинган маблағлар ҳисобидан операцияларни амалга ошириш йўли билан харидни амалга ошириш, ёки амалга оширилган операциялар ёки Дастур доирасида Иштирокчига берилган имтиёзлар тўғрисида нотўғри маълумот тақдим этиш орқали амалга ошириладиган Дастур Қоидаларига зид бўлган ҳар қандайadolatsiz ҳаракатлар, шунингдек бошқаadolatsiz ҳаракатлар.
- 2.8. Ҳисбот даври – календарь ойининг биринчи кунидан календарь ойининг охирги кунигача бўлган давр, бу даврда харажатлар операциялари амалга оширилади. Биринчи ҳисбот даври календарь ойида Иштирокчи «Кэшбэк» Содиқлик дастурига уланган кундан бошланади.

### **3. ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ, КЭШБЭКНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ.**

- 3.1. Дастурда «A-Pay» Электрон пул тизимида рўйхатдан ўтган ҳар қандай вояга етган ва муомалага лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Тизимда рўйхатдан ўтгандан сўнг, Дастур Иштирокчисига Кэшбэк-ҳисоб очилади, унда ҳисобланган ва фойдаланиш учун мавжуд бўлган Кэшбэк суммаси акс эттирилади. Кэшбэк суммасидан фойдаланиш учун Дастур Иштирокчisi Оператор томонидан белгиланган талабларга мувофиқ идентификациядан ўтиши ва тизимнинг тасдиқланган Мижози мақомини олиши керак. «Кэшбэк» Содиқлик дастурининг Иштирокчisi Дастурда иштирок этишининг ушбу Қоидаларига тўлиқ розилик билдиради.
- 3.2. Содиқлик дастурида иштироки учун бериладиган Кэшбэк, етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ёки моддий ёрдам учун тўлов (мукофот) сифатида тўланмайди.
- 3.3. Кэшбэкни ҳисоблаш ва ҳисобга жўнатиш учун «A-Pay» Электрон пул тизимида амалга оширилган харажатлар операциялари, шунингдек ушбу Қоидалар талабларига жавоб берадиган бошқа ҳаракатлар ва/ёки ҳодисалар ҳисобга олинади.
- 3.4. Кэшбэк суммаси ушбу Қоидаларнинг ажралмас қисми бўлган 1-иловага мувофиқ «A-Pay» электрон пул тизимида амалга оширилган харажатлар операциясининг фоизи сифатида ҳисобланади.
- 3.5. Иштирокчи томонидан Дастурни суиистеъмол қилиш ҳолатларини аниқласа ёки бу ҳақида Оператор маълумот олса, Кэшбэк берилмайди.
- 3.6. Алоҳида акция шартлари Кэшбэкни ҳисоблашнинг алоҳида тартибини назарда тутиши мумкин. Оператор ўз хоҳишига кўра Иштирокчiga Операторнинг бошқа Акцияларида иштирок этадиган товарлар, ишлар, хизматлар учун тўлов учун ушбу Дастур бўйича Кэшбэкни ҳисоблашни рад этиши мумкин.
- 3.7. Иштирокчiga қўйидаги ҳолларда Кэшбэкни ҳисоблаш ва ундан фойдаланиш рад этилиши мумкин:

- 3.7.1. агар Иштирокчи харидни амалга оширган бўлса ёки буни шахсий фойдаланиш учун қилмаган бўлса;
- 3.7.2. Кэшбэки ҳисобланган ва тўланган товарлар қайтарилиганда. Бундай Кэшбэк бекор қилиниши ва Операторнинг хоҳишига кўра Кэшбэк-ҳисобдан чиқарилиши мумкин.
- 3.7.3. Даастур Иштирокчиси томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган шартлар, муддатлар, тартиб, мажбуриятлар, чекловлар, шунингдек антифрод тизимининг маҳсус алгоритмлари билан аниқланган ҳолларда, бошқа Қоидабузарликлар юзага келган тақдирда;
- 3.8. Оператор ҳисбот даврида ҳам, бошқа ҳолларда ҳам Кэшбэкнинг умумий миқдорини чеклаши мумкин.
- 3.9. Тизимнинг идентификациядан ўтган Мижози бўлган Даастур Иштирокчиси Кэшбэкдан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга.
- 3.10. Кэшбэкни олиш учун Иштирокчи «A-Ray» электрон пул тизимида фақат ўзига ва ўз манфаатларига қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши шарт, тизимдаги харажатлар операциялари Иштирокчининг шахсий операциялари бўлиши керак. Иштирокчига бошқаларнинг манфаати учун ҳар қандай харажатлар операциясини ўtkазиш тақиқланади. Оператор томонидан фирибгарлик, алдаш ёки Оператор учун ҳар хил турдаги ва даражадаги моддий, маънавий ва бошқа зарарли оқибатларга олиб келган ёки олиш келиши мумкин бўлган бошқа манипуляциялар аниқланган тақдирда, Иштирокчининг Кэшбэкни олишга қаратилган Қоидалар шартларига риоя қилмайдиган ҳаракатлари аниқланганда, илгари ҳисобланган ва тўлаб берилган Кэшбэк Иштирокчини олдиндан огоҳлантирмасдан бекор қилинади ёки ўзгаририлади.
- 3.11. Кэшбэкни олиш ва тўплаш имкони Даастурнинг ҳар бир Иштирокчиси учун мавжуд, Даастур Иштирокчиси томонидан Кэшбэкдан фойдаланиш фақат идентификация жараёнидан ўтгандан ва Оператор томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тизимда аниқланган Мижоз мақомини олгандан кейингина мумкин.
- 3.12. Кэшбэк «A-Ray» Электрон пул тизимида очилган Даастур Иштирокчисининг Кэшбэк ҳисобига ўтказилади. Кэшбэк ҳисобини Даастур Иштирокчисининг ҳисобидан ёки бошқа йўл билан тўлдиришга йўл қўйилмайди.
- 3.13. Кэшбэк ёрдамида амалга оширилган харажатлар операцияларида Оператор томонидан мукофотни тўлаб бериш Тизимдан фойдаланишда кўзда тутилган мукофотни тўлаш талабларига мос келади.

#### **4.ИШТИРОКЧИННИГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 4.1. Иштирокчи:
- 4.1.1. Қоидаларнинг мазмунини мустақил равишда кузатиб бориш ва Оператор томонидан Оператор веб-сайтида ва ёки мобил иловасида жойлаштирилган Қоидаларнинг амалдаги нашри билан мустақил равишда мунтазам танишиб бориш. Иштирокчини эълон қилинган маълумотлар билан танишириш вақти, Иштирокчилар учун маълумот очиқласига оммага тақдим этилган пайт ҳисобланади;
- 4.1.2. мустақил равишда (ўз маблағлари ҳисобидан) Интернетга киришни тўлаш ва Даастурда иштирок этиш учун зарур бўлган бошқа харажатларни ўз зиммасига олиш, ушбу Даастурнинг беғаразлиги ва унда иштирок этишига таъсир қилмайди;
- 4.1.3. Даастурда иштирок этишнинг бир қисми сифатида Операторга ҳар қандай сабабга кўра ёлғон, нотўғри, уйдирма, сохта ёки ишончсиз маълумотларни тақдим этмаслик зарур;
- 4.1.4. ҳар қандай ноқонуний ёки адолатсиз ҳаракатларни амалга ошириш учун Даастурни амалга оширишда Оператор томонидан ишлатиладиган Даастурий таъминотни нусхалаш, қисмларга ажратиш ёки бошқа йўл билан манба кодини олишга уринмаслик;
- 4.1.5. моддий ва бошқа фойда олиш, зарар етказиш, шу жумладан моддий зарар етказиш, шунингдек «A-Ray» Электрон пул тизимининг ишлашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ноқонуний ва рухсатсиз ҳаракатларни (шу жумладан турли хил техник усуслардан фойдаланган ҳолда) бажармаслик;
- 4.1.6. Кэшбэкни нотўғри қабул қилиш ҳолатлари тўғрисида Операторга хабар бериш ва унинг қайтарилишига тўсқинлик қилмаслик;
- 4.1.7. Даастурни фирибгарлиқда ёки Операторга зарар етказадиган бошқа мақсадларда ишлатмаслик;
- 4.1.8. Операторнинг илтимосига биноан унга тегишли талаб юборилган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктиримай Оператор томонидан сўралган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш;
- 4.1.9. ҳисобланган Кэшбэк миқдорини ишлатишдан олдин, Оператор талабларига мувофиқ тизимда идентификация қилиш жараёнидан ўтиш ва тизимнинг аниқланган Мижози мақомини олиш.

4.2. Иштирокчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. ушбу Қоидаларнинг 1-иловасида назарда тутилган харажатлар операцияларини амалга оширишда Кэшбэк олиш;

4.2.2. харажатлар операцияси амалга оширилгандан кейин 5(беш) календарь кун ичиде ҳисобланган Кэшбэк суммаси билан келишмовчилик юзага келган тақдирда Операторга ёзма ариза юбориш;

4.2.3. исталган вақтда Дастурдан воз кечиш. Бунинг учун Операторга иштирок этишни тұхтатиши тұғрисида ёзма хабарнома юбориш зарур. Дастурда иштирок этиш Оператор Иштирокчидан билдиришнома олган пайтдан бошлаб тұхтатилған деб ҳисобланади. Дастурда иштирок этишни тұхтатиши Дастур доирасида Иштирокчи ва Операторнинг бошқа мажбуриятларини бекор қилишга олиб келади, Иштирокчининг Дастурда иштирок этиш даврида Қоидаларни бузиш билан боғлиқ мажбуриятлари бундан мустасно. Дастурда иштирок этиш тұхтатилған пайтдан бошлаб Кэшбэкни тұлаш тұхтатилади, қатнашишдан бosh тортиш пайтигача тұлаб берилған ва фойдаланилмаган Кэшбэклар бекор қилинади;

4.3. Дастурга қүшилған Мижоз, Дастур доирасида олган Кэшбэк үнинг тадбиркорлық фаолиятидан олган даромади әмаслигини тасдиқлады;

4.4. Дастур Иштирокчиси ўз аккаунти устидан назоратни сақлаб қолиш учун жавобгардир ва ҳар қандай учинчи шахсларнинг аккаунтга кира олмаслигини, шунингдек учинчи шахслар томонидан Иштирокчининг ҳисобидаги ҳаракатларни амалга ошира олмаслигини таъминлайди. Рўйхатдан ўтгандан кейин аккаунтда қилинган ҳар қандай ҳаракатлар Иштирокчи томонидан шахсан амалга оширилған деб тан олинади.

## 5.ОПЕРАТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Оператор қуидаги мажбуриятларни олади:

5.1.1. Иштирокчиларга Кэшбэкни, уни ҳисоблаш шартларига мувофиқ, ҳисоблаш ва тұлаш;

5.1.2. харажатлар операцияси амалга оширилгандан кейин 5 (беш) календарь кун ичиде Иштирокчидан техник ёки бошқа сабабларга кўра ҳисобланмаган Кэшбэкни ҳисоблаш учун ариза қабул қилиш;

5.1.3. Қоидаларга, иловаларга ўзgartиришлар киритилған тақдирда, шунингдек Содиқлик дастурини ёпиш тұғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, тегишли маълумотларни Операторнинг расмий веб-сайтида ва/ёки мобил иловада жойлаштириш.

5.1.4. Агар Иштирокчи Оператор талабларига мувофиқ Тизимда идентификациядан ўтмаган бўлса ва Тизимнинг тасдиқланган Мижози мақомини олмаган бўлса, Иштирокчига Кэшбэкдан фойдаланишни рад этиш.

5.2. Оператор қуидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. Кэшбэкни тұлаб бериш шартлари ва кешбек миқдорини мустақил равища аниқлаш;

5.2.2. Кэшбэкни тұлаб беришда бирон бир хатога йўл қўйилған тақдирда, техник носозлик, шунингдек Иштирокчи томонидан товарлар/ишлар/хизматлар учун ҳақ тұлаш бекор қилинганда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилған бошқа ҳолларда тұғирлаш Иштирокчига тұланған ёки тұланиши керак бўлған Кэшбэк миқдорини тұғирлаш;

5.2.3. Иштирокчи томонидан Қоидалар шартлари бажарилишини текшириш. Агар бирон бир шубҳа бўлса, Иштирокчидан тушунтиришни талаб қилиш. Бундай ҳолда, Кэшбэкни тұлаб бериш муддати шубҳалар бартараф этилгунга қадар тұхтатилиши мумкин;

5.2.4. Дастур Иштирокчisinи хабардор қилмасдан ва сабабларни ўз хоҳишига кўра кўрсатмасдан, шу жумладан (аммо мутлақо әмас) Иштирокчи томонидан ушбу Қоидаларнинг шартлари бузилған тақдирда, ва/ёки Қоидалар бўйича унга берилған ҳуқуқ ва имкониятлар суиистеъмол қилинганда, ва/ёки Дастурдан тадбиркорлық фаолиятини амалга оширишга қаратилған операцияларни бажариш учун фойдаланилганда, ва/ёки Операторга нотұғри ва/ёки адаштирувчи маълумотлар тақдим этилганда, шунингдек, бошқа ҳолатларда: Иштирокчининг Кэшбэк ҳисобини блоклаб қўйиш ва ёки Кэшбэк тұлаб бермаслик, ва/ёки илгари тұлаб берилған Кэшбэкни бекор қилиш, ва/ёки Иштирокчини Содиқлик дастурида қатнашишдан четлатиш. Оператор Иштирокчи томонидан Содиқлик дастурида иштирок этишда шубҳали усуллар, услублардан фойдаланаётгани, ушбу Қоидаларнинг шартларини бузаётгани, ёки четлаб ўтаётгани, шунингдек Иштирокчи томонидан Дастурда иштирок этишнинг ҳалоллиги ва виждонийлигига таъсир қилувчи ҳаракатлар амалга ошираётганидан шубҳаланса, ушбу бандда кўзда тутилған чораларни қўллаш ҳуқуқига эга. Қоидани бузиш, суиистеъмол қилиш, Иштирокчи Дастурда иштирок этишининг ҳалоллигини баҳолаш мутлақо Операторнинг ихтиёри ва үнинг ваколатидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилади. Иштирокчининг Дастурда иштирок этишининг виждонийлиги,

қоидабузарликлар, сунистеъмол қилиниш ҳолатларини баҳолаш фақат Операторнинг ихтиёрида ва унинг ихтиёрида бўлган маълумотлар асосида амалга оширилади;

5.2.5. Дастур Иштирокчисини хабардор қилмасдан ва сабабларни кўрсатмасдан, ўз ихтиёрига кўра, Содиклик дастурида иштирок этишни тақиқлаши, Иштирокчининг Кэшбэк ҳисобини блоклаб қўйиши, ва/ёки Кэшбек тўлаб бермаслиги, ва/ёки Иштирокчи, Оператор ва Иштирокчининг ўзи, шунингдек ҳар қандай учинчи томон учун турли хил ва даражалардаги моддий, ахлоқий, обрўсизлантирувчи ва бошқа салбий оқибатларини келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган, Оператор томонидан фиригарлик, алдов ёки бошқа манипуляциялар деб ҳисобланган ҳаракатларни амалга оширган ёки содир этиш ниятида бўлган ҳолларида Содиклик дастурида иштирок этишдан четлатиши. Ҳуқуқларни сунистеъмол қилиш деганда, шу жумладан, Иштирокчининг Қоидаларга тўғри келмайдиган ва максимал Кэшбек олишга қаратилган виждонсиз ҳаракатлари тушунилади; Ҳуқуқларни сунистеъмол қилиш деб Иштирокчининг Қоидаларга мос келмайдиган ва максимал Кэшбекни олишга қаратилган адолатсиз ҳаракатлари ҳам тушунилади;

5.2.6. шунингдек, харажат операцияси ўтказилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат мавжуд бўлмаган, харажат операцияси Иштирокчи томонидан амалга оширилганига шубҳа туғилган, «Содиклик» дастури Иштирокчиларига ва Тизим ишига зарап етказишга қаратилган турли хил техник усуllibардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган рухсатсиз ёки ваколатсиз ҳаракатлар кузатилган ҳолларда ўз ихтиёрига кўра Иштирокчига Кэшбекни тўлаб беришдан бош тортиш, илгари тўлаб берилган Кэшбекни олиб қўйиш (бекор қилиш, нолга тушириш);

5.2.7. ўз ихтиёрига кўра, Операторнинг фикри бўйича Кэшбек тўлаб бериш учун асосларни текширишга зарур бўлган ҳар қандай маълумот ва ҳужжатларни Иштирокчидан сўраш, шунингдек Дастурда иштирок этиш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳамда Иштирокчи сўралган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этгунга қадар Кэшбек тўлаб берилишини тўхтатиб қўйиш. Агар Иштирокчи талаб қилинган ахборот ва ҳужжатларни Қоидаларда назарда тутилган муддатда тақдим этмаса, Кэшбекни тўлашда рад этиш ва/ёки илгари тўланган Кэшбекларнини бекор қилиш;

5.2.8. agar Иштирокчининг операциялари жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш) ва терроризмни молиялаштириш белгилари мавжудлиги сабабли Оператор томонидан шубҳали деб топилган бўлса ва/ёки Оператор юқорида кўрсатилган белгилар мавжудлиги сабабли электрон ҳамёндан фойдаланишни чеклаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг талабларига мувофиқ сабабларни хабардор қилмасдан ва тушунтиրмасдан Содиклик дастурида иштирок этишни тақиқлаш;

5.2.9. agar бирон бир Иштирокчи ушбу Қоидаларга риоя қилмаса ва/ёки Қоидалар, Акциялар Қоидаларини сунистеъмол қилса ва/ёки Операторга нотўғри ёки ёлғон ва хато маълумотларни тақдим этса, Иштирокчининг Дастурда иштирок этишни огоҳлантиришсиз тўхтатиш;

5.2.10 Оператор Иштирокчининг вафот этганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёки уни бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топиш тўғрисидаги маълумотларни олган тақдирда, Иштирокчининг Дастурда иштирок этишини тўхтатиш ва Кэшбекларни бекор қилиш. Бу Дастур доирасида Операторнинг Иштирокчи олдидаги мажбуриятларини бекор қилишга олиб келади;

5.2.11 Кэшбекни тўлаш билан боғлиқ баҳсли вазиятлар юзага келган тақдирда, Иштирокчи томонидан ёзма аризада кўрсатилган маълумотларни текшириш;

5.2.12. Қоидаларга, шу жумладан, Иловага ҳам ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш (шу жумладан янги нашрларни ўрнатиш). Содиклик дастури Иштирокчиларини хабардор қилиш Оператор томонидан Оператор веб-сайтида ва/ёки мобил иловасида Қоидаларнинг ўзгариши тўғрисида тегишли маълумотларни эълон қилиш ва/ёки бошқа йўл билан Иштирокчига маълумотни олиш ва маълумот Оператор томонидан берилганлигини кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Ўзгартиришлар, қўшимчалар эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради, agar нашр этиш пайтида бошқача Қоида назарда тутилмаган бўлса.

5.2.13. Содиклик дастурини исталган вақтда бир томонлама равишда тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, Дастур Иштирокчиларига тегишли маълумотларни тасқдим этиш Оператор веб-сайтида ва/ёки мобил иловасида эълон қилиш орқали ёки бошқа йўл билан Иштирокчига маълумот олиш ва маълумот Оператор томонидан берилганлигини кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Содиклик дастури, agar бошқача Қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли маълумотлар эълон қилинган пайтдан бошлаб ёпиқ ҳисобланади. Оператор Иштирокчиларга Содиклик дастури вақтинчалик тўхтатилган ёки тугатилган пайтда Кэшбек-

хисобида қолган кешбек қолдиғини қопламайды. Иштирокчи Оператордан ҳар қандай Кәшбәкни, шу жумладан электрон ёки пул күрнишида қоплаб берилишини талаб қилишга ҳақли эмас;

5.2.14. Содиқлик дастурида иштирок этиш учун шерикларни жалб қилиш ва Акциялар үтказиш, улар доирасида құшимча Кәшбәк тұлаш ва бөшқа имтиёзлар бериш;

5.2.15. профилактика ишларини олиб бориш учун Иштирокчина олдиндан огоҳлантирмасдан Кәшбәк тұлаш имкониятини вақтинге тұхтатиб туриш;

5.2.16. Иштирокчининг розилигини олмасдан үз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни жалб қилиш;

5.2.17. Қоидабузарлық юзага келганды, хатолик даражасига қараб, үз хохишига күра Иштирокчина огоҳлантириш;

5.2.18. Иштирокчи билан ёзма музокараларга ёки бөшқа алоқаларга кирмаслик, ушбу Қоидаларда назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно;

5.3. Оператор құйидагиларга жавобгар эмас:

5.3.1. Оператор Оператор сервислари, Кәшбәк сервислари ва бөшқаларнинг хатосиз ва үзлуксиз ишлашига, Содиқлик дастури Иштирокчисининг умидларини қондиришига ҳеч қандай кафолат бермайды, ушбу Қоидаларда аниқ күрсатилмаган бөшқа кафолатларни тақдим этмайды;

5.3.2. Кәшбәк хизматларидан фойдаланиш ёки фойдалана олмасликнинг бевосита ёки билвосита оқибатлари ва/ёки Кәшбәк хизматларидан фойдаланиш, фойдаланмаслик ёки фойдалана олмаслик натижасида Иштирокчи ва/ёки учинчи шахсларга, уларнинг алоқида компонентлари ва/ёки функциялари, шу жумладан дастурий таъминот ва аппарат воситаларининг ишлашидаги мүмкін бўлған хатолар ёки носозликлар туфайли етказилған зарап учун жавобгар эмас;

5.3.3. Тизимдан фойдаланиш ёки Содиқлик дастури, Акцияларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳолда Иштирокчига етказилған ҳар қандай моддий ва маънавий зарапга;

5.3.4. «A-Pay» Электрон пул тизимида сабабларидан қатын назар юз берадиган техник носозликлар ва технологик хатоларга. Оператор тизимнинг үзлуксиз ишлашига, шу жумладан Кәшбәк тұлашнинг үзлуксиз ишлашига кафолат бермайды;

5.3.5. учинчи шахсларнинг Иштирокчининг аккаунтига кириши, унда учинчи шахслар томонидан содир этилган ҳар қандай ҳаракатлар учун;

5.3.6. Операторнинг ушбу Қоидаларга мувофиқ Кәшбәкни тұлашдан бөш тортиши учун, шунингдек тұпланған Кәшбәкни чақириб олиш ва / ёки бекор қилиш ҳамда Иштирокчининг Дастурда иштирок этишини тұхтатиши, Дастурнинг амал қилишини тұхтатиб туриш ёки тугатишининг ҳар қандай оқибатлари учун;

5.3.7. Дастурда иштирок этган ҳолда, Дастурий таъминотнинг үзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлған Иштирокчининг Қурилмаси үзгаргани оқибатлари учун;

5.3.8. алоқа сифати, интернетта үланиш, шунингдек Интернет-провайдерларнинг иш сифати, Иштирокчининг ускуналари ва\ёки Дастурий таъминотининг ишлаши, шунингдек Оператордан мустақил бўлған бөшқа ҳолатлар, шунингдек улар билан боғлиқ барча салбий оқибатлар учун;

5.3.9. Иштирокчининг Қоидаларнинг жорий версиясига нисбатан хабардор эмаслиги билан боғлиқ мүмкін бўлған зараплари;

5.4. Оператор Қоидаларни бузганлик учун Иштирокчи олдидағи жавобгарлиги, агар Кәшбәкни хисоблаш билан боғлиқ ҳар қандай даъво бўлса — Иштирокчининг хисобига тегишли миқдордаги Кәшбәкни тұлаб бериш билан чекланади.

5.5. Иштирокчи Қоидаларни бузган тақдирда Операторнинг ҳаракатсизлиги Операторни кейинчалик үз манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли чоралар күриш ҳуқуқидан маҳрум қилмайды, шунингдек Оператор бундай Қоидабузарликка нисбатан үз ҳуқуқларидан воз кечишни англағмайды, шунингдек кейинчалик бундай ёки шунга ўхшаш Қоидабузарларнан содир этилган тақдирда.

5.6. Оператор Содиқлик дастурида иштирок этиш доирасида Иштирокчи томонидан сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқарувчи, сотувчи эмас, шунингдек уларни сотиб олиш жараёнда иштирок этмайды. Товарлар, ишлар, хизматларни сотиб олиш билан боғлиқ муносабатлар фақат таъминотчи ва жисмоний шахс ўртасида юзага келади. Оператор таъминотчи ва жисмоний шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳар қандай жиҳатлари учун жавобгар бўлмайды, шу жумладан сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматлар сифати учун жавобгар бўлмайды.

5.7. Оператор ушбу Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тұлиқ бажармаганлик учун ҳар қандай жавобгарлиқдан озод қилинади, агар форс-мажор ҳолатлари (табиат ҳодисалари, ҳарбий ҳаракатлар, давлат органлари томонидан норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва бошқалар) туғайли тегишли ижро этиш имконсиз бўлиб чиқса, Оператор томонидан Шартнома Иштирокчиси билан тузилгандан кейин юзага келган, ундан қочиш ёки уни енгиб ўтиш назоратдан ташқарида ва Операторнинг ушбу Қоидаларга мувофиқ мажбуриятларни бажаришига тўсқинлик қилса.

## **6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

6.1. Иштирокчининг ҳисобланган Кэшбэкга эътиrozлари бўлган тақдирда Иштирокчи Кэшбэк ҳисобланиши амалга оширилмаган акция транзакцияси, операциялар бўлиб ўтган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь куни давомида тегишли аризани ёзма шаклда Оператор манзилига жўнатишга ҳақлидир. Агар кўрсатилган муддат ичida Оператор ҳисобланган Кэшбэкга эътиrozлар олмаса, бонуслар қолдиғи тасдиқланган ҳисобланади ва кейинчалик Иштирокчининг даъволари кўриб чиқилмайди ва қаноатлантирилмайди.

6.2. Дастурда иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун Иштирокчи алоқа марказига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

6.3. Оператор ва Иштирокчи ўртасидаги «Кэшбэк» Дастури Қоидалари бўйича барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агар низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан 30 (үттиз) кун ичida ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, низо Оператор жойлашган жойдаги суд органларига кўриб чиқиш учун юборилади.

## **7. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА ВА РЕКЛАМА, АХБОРОТ ХАБАРЛАРИНИ ОЛИШГА РОЗИЛИК**

7.1. Иштирокчи қўйидаги шахсий маълумотларни ўз ичига олган, шахсий маълумотларини қайta ишлашга, шу жумладан, йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, (аниқлаштириш, янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, эгасизлаштириш, блокировка қилиш, йўқ қилишга розилик берсада, лекин қўйидаги шахсий маълумотлар билан чекланмайди: Дастур Иштирокчисини аниқлаш, реклама, ахборот хабарларини тарқатиш (ҳар қандай алоқа каналлари орқали, жумладан, поча, СМС, электрон поча, телефон, мобил илова, бошқа алоқа воситалари орқали ўtkазilaётган акциялар ва махсус таклифлар) мақсадида фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, манзили, алоқа телефон рақами, электрон поча манзили, Дастурдаги Иштирокчини аниқлаш, Кэшбэкни тўплаш ва ундан фойдаланишни ҳисобга олиш тартибини таъминлаш мақсадида Содиклик дастурида Иштирок этиш муносабати билан иштирокчи томонидан Операторга тақдим этилган бошқа маълумотлар Кэшбэк, етказиб бериш, Иштирокчининг манфаатларини таҳлил қилиш, сўровлар ўtkазиш, товарлар, ишлар, хизматлар тўғрисида маълумот тарқатиш, реклама, ахборот хабарларини тарқатиш ( шу жумладан ҳар қандай алоқа каналлари орқали амалга ошириладиган акциялар ва махсус таклифлар, шу жумладан поча, СМС, электрон поча, телефон, мобил илова, бошқа алоқа воситалари орқали), норматив ва норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек давлат ҳокимияти органлари ва бундай органлар номидан ёки номидан иш юритувчи шахсларнинг қарорлари, топшириқлари ва сўровлари ижросини таъминлаш.

7.2. Иштирокчи унинг шахсий маълумотлари шахсий маълумотларни қайta ишлаш мақсадларига мос келадиган үсууллар билан, шу жумладан автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ёки бундай воситалардан фойдаланмасдан қайta ишланишига розилик билдиради. Шунингдек, шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тұлиқ жавоб беришига ва Оператор томонидан олинганилигини тасдиқлашга имкон беришига розилик билдиради.

7.3. Иштирокчи Оператор ўзининг шахсий маълумотларини учинчи шахсларга, шерикларга, шу жумладан трансчегаравий узатиш орқали (тизим Иштирокчisi фойдаланиши учун, Дастурда иштирок этишни таъминлаш, товарларни рўйхатдан ўtkazish ва етказиб бериш, шунингдек имтиёзлар олиш, Иштирокчiga хизматлар кўrсатиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш имкониятини таъминлаш учун ва Шартномаларни бажариш мақсадида Иштирокчининг қонуний манфаатлари ва бошқалар) ўtkazish ҳуқуқига эга эканлигидан хабардор ва розилик беради.

7.4. Розилик Иштирокчи томонидан бутун Дастур муддати давомида амал қилади. Розиликни бекор қилиниш учун Оператор томонидан маълумотларни қайta ишлашни тугатиш санасидан камида 30 календарь кун олдин Иштирокчи Операторга ёзма ариза юбориши керак. Шунда, Иштирокчи томонидан

ушбу розиликнинг бекор қилиниши унинг Дастурдаги иштирокини автоматик равишда тўхтатилиши ва Иштирокчи, агар у Тизим ва Дастурдан яна фойдаланишга қарор қилса, шахсий маълумотларга ишлов беришга қайта розилик бериши кераклиги ҳақида Иштирокчи маълумотга эга ва бунга рози. Агар Иштирокчи шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилигини қайтариб олса, Оператор «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган асослар мавжуд бўлса, субъектининг розилигисиз унинг шахсий маълумотларини қайта ишлашни давом эттиришга ҳақли.

## **8. БОШҚА ШАРТЛАР**

8.1. Дастурда иштирок этиш учун тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли Иштирокчи ва Оператор ўртасидаги Дастурда иштирок этиш билан боғлиқ муносабатларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қоидалар қўлланилиши мумкин эмас.

8.2. Оператор «Кэшбэк» Содиқлик дастури Қоидаларга ўзгартришлар киритиш (шу жумладан, янги таҳрирларни белгилаш), хусусан, Қоидаларга Иловалар киритиш ҳуқуқига эга. Қоидалар ва Маркетинг акциялари шартларига киритиладиган ўзгартриш ва қўшимчалар улар эълон қилинган кундан ва/ёки Оператор томонидан белгиланган санадан бошлаб кучга киради. Кўрсатилган маълумотлар Операторнинг расмий веб-сайтлари ва/ёки мобил иловаларида жойлаштириш (нашр этиш) орқали Дастур Иштирокчилари эътиборига ҳавола этилади. Иштирокчининг эълон қилинган маълумотлар билан танишиш вақти Иштирокчи учун маълумот мавжуд бўлган вақт ҳисобланади.

8.3. Оператор Кэшбекни тўлаб бериш лимитларини ва муддатларини ва бошқа шартларни ўз хоҳишига кўра белгилайди.

8.4. Иштирокчи Оператор томонидан веб-сайтда ва/ёки мобил иловада жойлаштирилган маълумотлар билан мустақил равишда, шу жумладан, Қоидаларга киритилган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида маълумот олиш учун Операторга мурожаат қилиш орқали танишиши шарт.

8.5. Қоидаларга улар кучга кирган пайтдан бошлаб ҳар қандай ўзгартриш ва қўшимчалар Қоидаларга қўшилган бонус Дастурининг барча Иштирокчиларига, шу жумладан, Қоидаларга ўзгартришлар кучга киргунга қадар қўшилганларга нисбатан татбиқ этилади.

8.6. Иштирокчи Содиқлик Дастурида иштирок этишдан бош тортмаслиги, Иштирокчининг Қоидаларнинг янги нашрига рози экинлигини англатади. Оператор томонидан тасдиқланган Қоидаларга рози бўлмаган тақдирда Иштирокчи Дастурда иштирок этишни рад этишга ҳақли.

8.7. «Кэшбэк» Содиқлик дастурида иштирок этишни тўхтатиш тартиби:

8.7.1. Иштирокчининг ташаббуси билан-Иштирокчига Содиқлик дастуридан узилиш учун ёзма ариза (қофозда) тақдим этиш орқали;

8.7.2. Операторнинг ташаббуси билан — Иштирокчи «A-Pay» Электрон пул тизимидағи электрон ҳамённи ёпганда ёки ушбу Қоидаларда назарда тутилган асосларга мувофиқ.

8.8. Дастурда иштирок этиш тўхтатилган ҳисбот даври учун Кэшбек ҳисобланмайди ва тўлаб берилмайди.

8.9. Дастурда иштирок этиш, шу жумладан Кэшбекни тўлаш фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Дастур муддати доирасида амал қиласи. Ушбу Қоидалар Оператор томонидан сайтда ва/ёки мобил иловада жойлаштирилган пайтдан бошлаб улар бекор қилинган пайтгача амал қиласи.

8.10. Содиқлик дастурига оид барча саволлар учун Иштирокчилар Операторнинг Алоқа марказига қўйидаги телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин: +99855 500-11-10

8.11. Агар у ёки бу сабабларга кўра Қоидаларнинг бир ёки бир нечта тартиблари ҳақиқий эмас ёки юридик кучга эга эмас, деб эътироф этилиши Қоиданинг қолган тартиблари ҳақиқийлигига ёки қўлланилишига таъсир қилмайди.

8.12. «A-Pay Кэшбек» Содиқлик дастурига қўшилиш орқали Иштирокчи ушбу Қоидаларга тўлиқ розилик билдиради.

“КЭШБЭК” Содиқлик дастури қоидаларига  
1-сонли ИЛОВА

**КЭШБЭК ҲИСОБЛАШ**

Чиқим операцияси	КЭШБЭК ўлчами	Чекловлар
Маиший хизматлар тўлови (Электр қуввати, Табиий газ, ХТЖМБ, Совуқ сув, Суюлтирилган газ, Ахлат чиқариш, Иссиқлик энергияси);	Кэшбэк тўлов суммасининг 1% гача миқдорида ҳисобланади.	Кэшбэк фақат ҳисобот даври давомида дастлабки 5 та (бешта) тўлов учун ҳисобланади. Агар ҳисобот даври мобайнида тўловлар миқдори 5 тадан ошса, кейинги тўловлар учун ҳисобот даври сўнгига қадар кэшбэк тўлаб берилмайди.
Давлат хизматлари тўлови (Ягона дарча хизматлари, ИИВ ФКЧБ, UZIMEI, ДПМ (хорижий паспорт), фискал модуль, ЙХХДБ жаримаси, E-IMZO.UZ, ДСҚ, ИИВ жарималар тўлови);	Кэшбэк тўлов суммасининг 1% гача миқдорида ҳисобланади.	Кэшбэк фақат ҳисобот даври давомида дастлабки 5 та (бешта) тўлов учун ҳисобланади. Агар ҳисобот даври мобайнида тўловлар миқдори 5 тадан ошса, кейинги тўловлар учун ҳисобот даври сўнгига қадар кэшбэк тўлаб берилмайди.
Тўлов тоифалари: уяли алоқа, интернет ва ТВ, транспорт, муддатли тўловни сўндириш, таълим, , суғурта полислари, интернет дўконлар;	Кэшбэк тўлов суммасининг 3% гача миқдорида ҳисобланади.	Кэшбэк фақат ҳисобот даври давомида дастлабки 10 та (ўнта) тўлов учун ҳисобланади. Агар ҳисобот даври мобайнида тўловлар миқдори 10 тадан ошса, кейинги тўловлар учун ҳисобот даври сўнгига қадар кэшбэк тўлаб берилмайди.

“A-Pay” тизими ва “A-Pay” карталари ёрдамида жойларда түлов қилиш;	Кәшбәк түлов суммасининг 2% гача миқдорида ҳисобланади.	Чекловсиз
түлов тоифалари: авиачипталар харид қилиш, “бизнес” абонент түлови;	Кәшбәк түлов суммасининг 2% гача миқдорида ҳисобланади.	Кәшбәк фақат ҳисобот даври давомида дастлабки 5 та (беш) түлов учун ҳисобланади. Агар ҳисобот даври мобайнида түловлар миқдори 5 тадан ошса, кейинги түловлар учун ҳисобот даври сўнгига қадар кәшбәк түлаб берилмайди.

АО «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» АЖ

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 79

СТИР: 306 344 019

х/р: 2020 8000 0050 6594 4001

«HAMKORBANK» АТБ

ФАА: 00083(11468)

ИФУТ: 58290